

Саҳобаи киромлар ғазотларда қандай либосда бўлишган?



11:00 / 10.05.2021 1981

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинишича, Набий алайҳиссалом шундай деганлар: «Кийимларингиздан оқ ранглисини кийинглар, зеро, у либосларингизнинг энг яхшисидир. Ва майитларингизни ҳам унга (яъни, оқ рангли матога) кафанланг!».



Абу Довуд ривояти.

Ушбу расмда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўмондонлик қилган мусулмонлар қўшинининг уруш, жангларда кийган либосини ифода этадиган намуналар.

Бундай либосда жанг майдонларида Аллоҳ таолонинг калимаси олий бўлиши учун урушган, жонини фидо қилган севганларимиз бўлмиш саҳобаларни кўз олдимизга келтирайлик.

Саҳобаи киромларнинг ғазотдаги саллалари оқ рангда, фаришталарнинг саллалари сариқ рангда бўлгани айтилган.

Ҳозирда булар «Дору Мадинаи мунаввара» музейида сақланяпти.

Аллоҳ таоло барча содиқ саҳобалардан рози бўлсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади